# Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!


O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 12-13 (526-527)
2007-yil 21-mart

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz


**Ушбу сонда:**


**2** Алоқа бўлими марказдан нега кўчирилди?



**Бироқ кейинги вақтда шаҳар аҳолисига алоқа бўлими хизмати доирасида қандайдир чекинишга йўл қўйилаётир. Натижада аҳолига қулайликлар яратилиши ўрнига сарсончилик ва қийинчилик пайдо бўлаётганлиги кўпчилик аҳолини ранжитмоқда.**

**4** **Франция ёлғонларга ишонмайди**

**Коррупция билан боғлиқ бир қатор можаролар француз халқининг Жак Ширакка бўлган ишончини сўндирди. 2000 йили Францияниг етакчи миллий газетаси Франция президентининг махфий молиявий ўйинларга алоқадорлиги хусусидаги ёзувларни ошкор қилди.**

**5** **Мучалнинг келиб чиқиш тарихи**

**Кўпгина халқлар мучални ўзиники қилишга ҳаракат қилишади. Турли тортишувларга қарамай шу нарса аниқки, мучал Осиёнинг шарқий қисмида яшайдиган халқлар, хусусан, туркийларнинг ҳам қадимги йил ҳисоби бўлган.**

**8** Миркарим Осимнинг «иси»

**Адибнинг ўзи ва шахси ҳақида жамоатчиликда шу қадар маълумот кам эдики, Миркарим Осим исмишарифини кўпчилик Навоий ҳазрат замондошларидан Хондамир, Зайниддин Восифий каби тарихчилар даврдоши деб биларди.**




Алишер НАВОИЙ

*Мувофиқ кийдилар бўлмиш*
*магар Наврўз ила байрам,*
*Чаман сарви яшил хилъат,*
*менинг сарви равоним ҳам.*

*Чаман сарви қолиб ҳайрон,*
*менинг сарвим қилиб жавлон,*
*Анинг шайдоси бир деҳқон,*
*мунга шайдо бари олам.*

*Чаман сарви қолиб бебар,*
*менинг сарвим бўлуб дилбар*
*Ани ел айлабон музтар, бу*
*елдин секретиб адҳам.*

*Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб*
*гул шавқидин ғулғул,*
*Бу сарв узра очилиб гул, анга*
*тердин тушуб шабнам.*

*Қилиб оҳим сари парво, бу ён*
*майл этмадинг қатъо*
*Сабодин, эй қади раъно,*
*бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ хам.*

*Бу боғ ичра май, эй соқийки,*
*бормен асру муштоқи,—*
*Ки анда сарв ҳам боқий эмас,*
*гул ахди ҳам маҳкам.*

*Навоий, кўйин эт манзил, юзу*
*қаддиға бўл мойил, —*
*Ки боғ этмас сени хушдил,*
*гулу сарв айламас хуррам.*

**Айём**

# Асрларни қаритган Наврўз

**Юртбошимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида: "Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди", дегандилар.**

Гулчеҳра АБДУКАРИМОВА,
Мақсуда ТУРДИБОЕВА
ТАЙИ ўқитувчилари

Маданий қадриятлар, маънавий мерос минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятлари ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шарқ халқларининг муштарак ижоди — Наврўз қадим замонлардан бизгача етиб келган муҳташам қадриятларимиздан биридир. Унга қадимги ота-боболаримизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб бугунги замондошларимизнинг қарашларигача бўлган маънавият олами сингиб кетган бўлиб, у инсоният маданий тараққиётининг ҳар бир ютуғидан доимо куч-қувват олиб туради. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатлари нуқтаи назаридан Наврўзга нисбатан ташкилий аралашувлар, уни давлат байрами даражасига кўтаришгача бўлган уринишлар ҳам бўлган. Масалан, олимларнинг фикрича, Сосонийлар даврида Наврўзни давлат байрами сифатида ёзда ўтказиш қоидалаштирилган эди. Аммо халқ оммаси уни одатдагидек баҳорнинг бошида ўтказаверган. Бунинг оқибатида Наврўз бир йилда 2 марта нишонланадиган даврлар ҳам бўлган. Аммо йиллар ўтиши билан халқ анъанаси Наврўзни баҳорда нишонлаш ғолиб келди. Наврўз ҳар қандай ғайриоддий аралашувларни, уни қолиплаштиришга бўлган уринишларни писанд қилмай, халқларимиз маънавий ҳаётидан озиқланиб янада бойиб, мукаммаллашиб борди. Наврўзга нисбатан энг қўпол аралашув совет даврида содир бўлди. У асоссиз равишда тақиқлаб қўйилди. 60-йилларнинг бошларида унинг қайта тикланиши ҳам тўла куч ололмади. Маъмурий буйруқбозлик идоралари ва айрим шахслар томонидан унга турли ёрлиқ ёпиштириш, баъзан эса ман этиб қўйиш ҳоллари турли шаклларда давом этаверди. Шунга қарамай халқимиз уни баъзан яширин, кўпчилик ҳолларда оила шароитида нишонлашдан тўхтамади. Мустақиллик даврига келиб, Наврўзга муносабат тубдан ўзгарди.

Наврўз ҳақидаги қадимги турк афсоналарида бу умумхалқ байрамнинг пайдо бўлиши аждодларимизнинг баҳор фасли ва кўкламги дала ишларига алоқадор удумларига боғланади. Наврўз байрамининг пайдо бўлиши Ўрта Осиёда яшаган қадимги аҳолининг эътиқодий қарашларининг мажмуаси — зардуштийлик билан алоқадордир. Таниқли инглиз олими Бойснинг ёзишича, қадимги зардуштийлар табиат ўзгаришлари, фасллар алмашинуви, қуёш ҳаракати, хуллас, дунёдаги ҳаётни ўз измига солиб турувчи муқаддас бир куч бор деб ўйлашган экан. Афсоналардан Наврўзнинг пайдо бўлиши қуёшнинг чиқиши, оловнинг кашф этилиши билан боғлиқ ҳолда тушунтирилиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик рамзи Аша-Вахишта номи билан қиш, совуқ, зулмат билан боғлиқ ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор ва ер юзида ҳаётнинг жўш уриши, нурли кунлар ғалабаси билан алоқадордир. Наврўзда боболаримиз илк баҳор экини сабзалар бошини силаб, қор остида ухлаб ётган бойчечакларни уйғотган ажиб фаслда далага дон сочишни саодатли дамлар деб билган.

Наврўз деҳқончилик маданиятининг келиб чиқиши даврларидаги халқ қарашлари асосида юзага келган. Наврўз Ўрта Осиё ва Эронда яшаган қадимги деҳқонларнинг баҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ, қуёшга сиғиниши билан боғлиқ маросим ва эътиқодлари асосида бундан уч ярим-тўрт минг йилча бурун пайдо бўлган умумхалқ байрамидир. Бу байрам ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан

онлар хирмонининг баракасини берсин деган умидда Наврўз оқшомида катта-катта дошқозонларнинг тагига ўт қалаганлар. Асрлар давомида Наврўз эзгулик, баҳор шодиёнаси сифатида нишонланган бўлса, йилбошининг махсус таоми пишадиган муқаддас қозонлар барака манбаи, деб эъзозланган. Кишилар кўкламнинг фараҳбахш кунларига чиқиб, навжувон майсалар узра чопиб юрган илк баҳор шабадасидан баҳра олган, Наврўзни нишонлар экан, жимжилоғи билан сумалак ялаётиб: "Қиш ўтиб кўклам келди яхши кунларга етишдик", дея шукрона қилганлар.

Мустақиллик туфайли Наврўз халқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. 21 март дам олиш куни деб эълон қилинди. Унга ҳукумат даражасида эътибор қаратиляпти, ОАВда ёритишга кенг ўрин берилмоқда. Мамлакатимизнинг барча туман ва вилоятларида оммавий сайиллар ўтказилмоқда. Лекин узоқ йиллар мобайнида элимиз эъзозлаб келган Наврўзнинг янада гўзал, жозибали бўлиши учун доимо қайғуришимиз, турли даврларнинг ноҳақ тазйиқи таъсирида йўқолиб кетган ёки унутилиш арафасида турган барча удумларни тиклашга ҳаракат қилишимиз зарур. Наврўзни халқимизнинг бугунги эстетик дидига мос равишда янада бойитиш, уни тағин ҳам кўркам ва томошавий қилиш сизу бизнинг зиммамизда.

**Тақдимот**

# 190 минг фермер

**Янги ташкил этилган "Фермер" журнали улар учун хизмат қилмоқчи**

*Мамлакатимиздаги журналлар сони яна биттага кўпайди. Шундай дейилиши билан кишида дарров бир савол ҳам туғилади: унга эҳтиёж бормиди? Миллий матбуот марказида янги журналнинг нишона сони тақдимотида ана шу саволга жавоб изланди, дейилса тўғрироқ бўлади.*

МУХБИРИМИЗ




Мамлакатимизда аграр соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар туфайли фермерчилик жараёни тобора кенг қулоч ёймоқда. Маълумотларга қараганда ҳозиргача фермерлар сони 190 мингга яқинлашибди. Ва бу рақам яна кўпайиши аниқ. Шундай экан фермерчилик жараёнини жадаллаштириш, бу соҳадаги тажрибалар, янгиликлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ёритиб бориш, муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш учун ана шундай нашрга катта эҳтиёж сезилганди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов тақдимот маросимини очар экан, йиғилганларни янги журнал билан қутлади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Ўткир Раҳматов, "Ишонч" газетаси бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, "Амир Темур" фонди раиси Муҳаммад Али, Акциядорлик тижорат "Пахтабанк" раиси Абдурахмат Боймуродов, Бобур халқаро фонди раиси Зокиржон Машрабов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров "Фермер" журналининг бугунги давр учун аҳамияти, зиммасидаги вазифалар, эътибор қаратилиши лозим бўлган мавзулар ҳақида гапирдилар.

Дарвоқе, журнал ойда бир марта оммабоп шаклда чоп этилади. Журналга "Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, АТ "Пахта банк" ва Бобур халқаро фонди муассислик қилади. Журнал ўзига ҳазрат Алишер Навоийнинг деҳқонларга қарата айтган "Олам маъмурлиғи алардин ва олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткургайлар, ҳам барокат" деган сўзларини шиор қилиб олганлиги ҳам ҳозирданоқ кўп нарсани англатиб турибди.

**Ўтмиш**

# Карвон ўтаверади

Донагул ЖЎРАЕВА

Ҳар гал Наврўз айёми кириб келаркан, бу байрам билан боғлиқ бўлган аччиқ бир хотирани эслайман. Бундан роса йигирма йил аввал, яъни 1987 йилнинг 21 мартини сира кўз олдимдан кетказа олмайман. Бутун Ўзбекистонда жимжитлик. Наврўз байрами тўғрисида ҳеч ким бир сўз дея олмайди. Ҳаттоки оммавий ахборот воситалари саросимада. Наврўз тарихда биринчи марта расман байрам сифатида нишонланмади. Кишилар руҳида мотам, қалбида алам. Додини кимга айтишни билмайди.

Чекка-чекка қишлоқларда ўзларича кичик-кичик давра бўлиб, яширин тарзда нишонлаганлар ҳам бўлишди. Наврўз байрамини нишонлашнинг тақиқланиши ўзбек халқи учун чинакамига оғир руҳий мусибат эди. Шундай ҳоллар ҳам бўлгандики, момоларимиз томонидан табаррук қилиб пиширилган дош қозонлардаги Наврўз таоми — сумалаклар тўкиб ташланди. Не-не ниятларда тайёрланган халқ ўйинлари, фольклор-этнографик ансамбларнинг байрам номерлари ўтмади.

Бу маънавий қатағоннинг бошида ўша пайтдаги Ўзбекистон компартияси марказий комитетининг мафкура бўйича секретари Раъно Абдуллаева турганди. Ўзбек фарзанди бўла туриб, у миллий қадриятларимизга хиёнат қилди. Бу эса халқимиз юрагида ўчмас доғ бўлиб қолди.

1987 йил апрель ойининг ўрталари. Ўша пайтда Тошкент Олий партия мактабининг битирувчи курс тингловчиси эдим. Кутилмаганда, Раъно Абдуллаеванинг биз, тингловчиларга маъруза ўқишини эълон қилишди. Минг кишилик мажлислар залига партия мактабимизнинг жами тингловчилари, республикамизнинг мафкура бўйича мутасадди идоралари раҳбарлари, журналистлар тўпланишган. Мен ҳам: "Айтинг-чи, Раъно Ҳабибовна, нима учун Наврўз байрамининг нишонланишига қаршилик билдирдингиз? Бу байрам диний байрам эмас, балки ислом динигача ҳам нишонлаб келинган-ку?! Нима учун қўшни республикаларда байрам қилинди, бизда йўқ?" дея саволлар шодасини бир варақ қоғозга ёзиб жўнатдим.

Менинг саволим етиб боргунга қадар "арбоб" опахон илҳом билан жўшиб саволларга бурро-бурро жавоб қайтарарди. Ногоҳон ёзувларимга кўзи тушгач, юзи кулранг тусга кира бошлади ва бир муддат каловланиб қолди. Ва саволни овоз чиқариб қайта ўқиди. Ўтирганларнинг нигоҳларида менга нисбатан хайрихоҳликни, ўзгача бир учқунни ҳис этдим. Чунки бундай доираларда юрак ютиб, шу саволни бериш у пайтларда жуда катта гап эди. Ҳолбуки, ўша сониялларда ўз инсоний бурчимни адо этган эдим, холос.

Дарҳақиқат, бугунги ёруғ кунларга етиб келишимиз осон бўлмаган. Бу кунларга етмай ўтиб кетганлар ҳам кўп бўлди. Наврўзни мен миллий қадриятларимиз байрами дегим келади. Чунки бу кунда асрлар давомида ардоқланиб келинаётган қадимий урф-одатларимиз, удумларимиз бўй-басти билан намоён бўлади. Севимли байрамимизнинг янада қанот қоқишига Мустақиллигимиз кенг имкониятлар яратиб бердики, бугун бунинг исботини кўриб турибмиз.

Ҳа, қадрдон Наврўз айёми, Сени биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Чунки Сен бизнинг жону танимизга сингиб кетгансан.

**Якун**

***Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан жорий қилинган "Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги 2-миллий мукофоти" танлов натижаларида эълон қилинди. Ушбу мавзуда ижод қилган журналистларга "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида ўтказилган тантанали кечада мукофотлар топширилди.***

# Журналистлар мукофотландилар

Дурдона АЛИМОВА



Тадбир аввалида ҳамкорликдаги ташкилот вакиллари ва мутахассислар сўзга чиқиб, ОАВдаги мавзуга доир чиқишларни юксак баҳоладилар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовнинг таъкидлашича, иккинчи танловга топширилган материаллар сон ва сифат жиҳатдан биринчи танловникидан анча юқори бўлди. Журналистлар қайси йўналишда бўлмасин, кенг оммага темир танқислиги анемиясининг инсон саломатлигидаги хавфи ва унни бойитишнинг афзалликларини тушунтириб бера олдилар.

Мазкур мавзуни ёритиш ва танловда иштирок этиш кўпчилик оммавий ахборот воситалари вакилларини ўзига жалб этган бўлиб, жами 280 та журналист қатнашган. Телевидение, радио, матбуот, интернет, фото кўринишидаги ишлар соҳа мутахассислари ва етук журналистлардан таркиб топган ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Янги кўшилган икки номинация: электрон ОАВ ва фото номинациялари бўйича ҳам жуда кўп материаллар келиб тушган. Вилоят ва туман оммавий ахборот воситаларини рағбатлантиришга мўлжалланган "Минтақавий ОАВ" номинациясида ҳам журналистлар фаол иштирок этишди.

Тантанали кечада ғолиб деб топилган журналистларга қимматбаҳо совғалар билан бир қаторда "Нон-полвон" ҳайкалчалари ва эсдалик сертификатлари топширилди. Фаол иштирок этган бир гуруҳ журналистларга рағбатлантирувчи совринлар тақдим этилди. "Ҳуррият" газетаси томонидан танловда қатнашган, hurriyat.uz сайтида мақолалар эълон қилган Собиржон Ёқубов ҳам ғолиблар қаторига қўшилди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, журналистлар учун эса профессионал маҳоратни юксалтиришга хизмат қилаётган бу танлов келгусида ҳам самарали натижаларни кўрсатиши, журналистлар темир танқислиги анемиясига қарши курашдаги фаолиятларини давом эттиришларига ишонч билдириш мумкин.

Савол

# Алоқа бўлими марказдан нега кўчирилди?

*Денов шаҳри ҳақида ҳар қанча илиқ гапларни айтиш мумкин. Чунки бу шаҳар ўзининг гўзаллиги, айниқса, меҳмондўстлиги билан бошқа туманлардан ажралиб туради.*

*Бу ерга вилоятнинг барча туманларидан меҳмонлар, қолаверса, тижорат ишлари билан шуғулланадиган инсонлар ташриф буюришади. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини ҳам кўришга ошиқадилар.*

**Ўрол БЕКМУРОДОВ**

Бундан ташқари шаҳар аҳолиси ва бошқа меҳмонлар ўзларига яқин қариндош-уруғларини байрам арафасида табрик хатлар, турли жўнатмалар юбориш учун алоқа бўлимларига мурожаат этишади. Чунки алоқа бўлими тезкор хабар етказувчи, инсонларнинг оғирини енгил қилувчи маскан ҳисобланади. Лекин айрим вақтлар унинг қадрига етганлар ҳам бор, етмаганлар ҳам топилиб қолади. Айниқса, пул жўнатмалари, қолаверса, ҳарбий хизматдаги фарзандларининг соғлиғини билишда, хат жўнатишда алоқа бўлимлари ўта зарур бўлади. Ўша вақтда алоқа бўлимлари бўлмаса асаблари таранглашади, уни излаб сарсон-саргардон бўлишади. Айни шундай ҳолатни 300 мингга яқин аҳоли яшайдиган Денов туманида кўришингиз мумкин. Албатта шунча аҳолиси бор туманнинг ўзига яраша ташвиш ва муаммоси ҳам бўлиши табиий. Лекин нима бўлганда ҳам, етарли миқдорда барча соҳада шарт-шароит бўлмоғи зарур. Бироқ кейинги вақтда шаҳар аҳолисига алоқа бўлими хизмати доирасида қандайдир чекинишга йўл қўйилаётир. Натижада аҳолига қулайликлар яратилиши ўрнига сарсончилик ва қийинчилик пайдо бўлаётганлиги кўпчилик аҳолини ранжитмоқда. 2006 йил август ойига қадар шаҳар аҳолиси Мустақиллик кўчаси 54-уйда барча қулайликларга эга бўлган алоқа бўлими хизмат қилиб элнинг кўнглини олаётган эди. Бу шаҳар марказида бўлгани сабабли барчанинг узоғи яқин бўлиб, хат-хабарлар жўнатишда қулай имконият эди. Нима бўлди-ю, 2006 йилнинг август ойидан Мустақиллик кўчаси 54-уйдаги алоқа бўлими кимнингдир топшириғига асосан шаҳарнинг Х. Останақулов кўчаси Темир йўл бекати ёнига, яъни чамаси 1 километр узоқликдаги жойга кўчирилди. Натижада аҳоли анчагина қийинчиликларга дуч келмоқда. Кўпчиликда: «Қулай жойда яхшигина ишлаётган алоқа бўлими нега кўчирилди? Алоқа бўлими имкони борича гавжум ва марказ жойда бўлиши керакмасмиди? Шаҳар марказида барча қулайликларга эга бўлган замонавий алоқа бўлимларини қуриш шунчалар қийинми?» деган ҳақли саволлар пайдо бўлмоқда. Аҳоли қачонгача алоқа бўлимини излаш билан овора бўлади, бунга ким жавоб беради?

МММда

# Ғолиблар номи маълум бўлди

***Миллий матбуот марказида UZINFOCOM компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази томонидан эълон қилинган ижодий кўрик-танловнинг якуний натижалари эълон қилинди.***

**С. КАМОЛ**

Танлов «ZiyoNET» сайтлари», «Энг яхши эссе», «Ўқув муассасасининг карточкаси» ҳамда телевикторина каби йўналишларда ўтказилди.

«ZiyoNET» сайтлари» танлови учун материаллар жорий йилнинг 12 февралидан 2 мартига қадар бир неча номинацияда қабул қилинди. Танловнинг «Мактаблар сайтлари» йўналишида биринчи ўрин Тошкент шаҳридаги 240-ўрта мактаб (www.school240.student.uz, муаллиф Д. Ҳабибулин)га, иккинчи ўрин Ҳарбий йўналишдаги Республика лицейи (www.thl.fan.uz, муаллиф В. Ҳамидов)га, учинчи ўрин Жиззах шаҳар «Умид» лицей-интернати (www.licey.djizak.com, муаллиф Н. Содиқов)га берилди.

«Олий ўқув юртлари сайтлари» йўналишида эса Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали (www.rea.uz) ғолиб деб топилди.

«Мустақил лойиҳа» номинациясида www.bukhara.uz сайти муаллифи Шавкат Муҳамедов биринчиликни қўлга киритди.

Кенг доирада ташкил этилган танловнинг «Энг яхши эссе» йўналиши ҳам бир неча номинацияга эга эди. Мазкур танловнинг «Информатика дарси» номинациясида Қарши шаҳридаги «Нуристон» академик лицейи ўқитувчиси Аҳмад Қодиров ғолиб чиқди.

«Ўқитувчилик фаолиятида ахборот технологиялари» йўналишида Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси Наргиза Мингқулова биринчи ўринни олди.

«Ахборот технологиялари ўқув жараёнини такомиллаштириш йўлида» номинациясида эса Тошкент шаҳридаги 172-мактаб ғолиб деб топилди.

Мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўтказилган телевикторинада Навоий шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Илҳом Идиев ғолиб бўлди.

Тадбир доирасида, шунингдек, UZINFOCOM маркази томонидан эълон қилинган «Ўқув муассасасининг карточкаси» танлови ғолиблари ҳам маълум қилинди. Ижодий кўрик якунлари борасида батафсил маълумотни **www.ziyonet.uz** ёки **www.uzinfocom.uz** сайтларидан олишингиз мумкин.

Жавоб

# Камчиликлар бартараф этилади

**М. АХМЕДОВ,**
"Тошэлектротранс" Давлат компанияси директори

*"Ҳуррият" газетасининг 2007 йил 21 февраль сонида босиб чиқарилган "Ҳайдовчи танлаган қўшиқ" мақоласи "Тошэлектротранс" ДК жамоасида муҳокама қилинди. Мақолада кўрсатилган фактлар, ҳақиқатан ҳам, содир бўлган. Динамиклардан бутун салон бўйлаб тарқалаётган мусиқа нафақат йўловчиларнинг ғашига тегади, балки ҳайдовчини ҳам чалғитади. Ҳар бир йўловчи жамоат транспортидан фойдаланганда керакли жойга ўз вақтида ва кўнгилсиз ҳодисаларсиз етиб олишига ишончи комил бўлиши керак. Бу каби фактларнинг ва йўловчилар томонидан шикоятларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Мақола мазмуни электротранспорт корхоналарининг барча ишчилари орасида ўрганиб чиқилди. Ҳар бир ҳайдовчига техник воситаларни ишлатиш қоидалари ҳақида қайтадан йўл-йўриқ кўрсатилди. Бу қоидалар бўйича ҳайдовчи кабинасида турли хилдаги радио эшиттириш асбоблари ва магнитофонларнинг ўзбошимчалик билан ўрнатилиши қатъиян ман этилди. Жамоат транспорт воситаларида эрталаб йўлга чиқарилиш олдидан эксплуатация бўлими ходимлари муҳандис-техник таркиб билан биргаликда радиоприёмник ва магнитофонларнинг мавжудлиги борасида текширув ўтказди.*

*Жамоат транспортида йўловчиларни ташишнинг ижтимоий аҳамиятга эгалигини ҳамда мақолада тўхтаб ўтилган масалаларнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун электротранспорт корхоналарида МТХ ва "Тошэлектротранс" ДК вакилларидан иборат ҳаракатчан гуруҳлар тузилди. Бу гуруҳлар ҳафтада икки марта трамвай ва троллейбус маршрутларида рейдлар ўтказадилар ҳамда ҳайдовчи томонидан техника қоидаларининг бажарилиши устидан тегишли чоралар кўрадилар.*

*Электротранспорт корхоналари маъмурияти йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун мунтазам назорат ўрнатади. Қоидабузарларга эса маъмурий ва моддий таъсир чоралари қўлланади.*

А. ҲАКИМОВ чизган

Қўшхабар

## Журналистлар билан мулоқот

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида журналистлар билан эркин мулоқот бўлиб ўтди. Унда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида ОАВ роли ва аҳамияти хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Дастлаб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул раҳбарлари, саломатлик институти Андижон филиали мутахассислари халқимиз саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар, эришилаётган ютуқлар ва муаммолар ҳақида маъруза қилдилар. Ўзаро савол-жавоблардан маълум бўлдики, ҳали вилоятда тиббиёт соҳасида ахборот етказиш тизими яхши шаклланмаган. Соҳа мутахассислари вилоят ва туман газеталарида кам чиқиш қиладилар. Онда-сонда берилаётган мақолалар ҳам китобий, қуруқ гаплардан иборат бўлади. Бошқарма ва унинг бўлимларининг таҳририятлар билан алоқалари етарли эмас.

Мулоқотда журналистларга аниқ ахборотлар етказиб бериш, чоп этилаётган мақолаларда ислоҳот сарамаларини кенг ва батафсил баён этиш, вақти-вақти билан саломатлик саҳифаларини уюштириб туришга келишилди.

## Қизиқарли машғулотлар

"Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари қошида ташкил этилган "Журналистлик маҳорат маркази"да машғулотлар изчил ўказиб турилибди. Дастлабки босқичда шаҳар ва туман газеталарининг муҳаррирлари таҳсил олмоқдалар. Улар тажрибали журналистлар, олимлар ва мутахассисларнинг маърузаларини тингламоқдалар.

Яқинда бўлган машғулотда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев қанташиб, ўзининг қизиқарли суҳбатлари билан журналистлар ва марказга қатнаётган ёш ижодкорларнинг эътиборини қозонди. ОАВларининг ҳаётдаги ўрни, сўз сеҳри, ундан унумли фойдаланиш, журналистик билим ва малаканинг ижодий фаолиятга таъсири хусусида бўлган суҳбат тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

**Топилжон ЖАЛОЛОВ**

АНДИЖОН ШАҲРИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз ватандошларни улуғ айём — Наврўз байрами билан самимий табриклайди!

Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ УЧКЎПРИК ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

халқимизга НАВРЎЗ тилакларини изҳор этар экан, Она заминимиздаги тинчлик-барқарорлик, дастурхонимиздаги тўкин-сочинлик абадий бўлишини тилаб қолади.

# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

## ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Кўҳна ва ҳамиша кўркам*

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ

*билан азиз ватандошларимизни*

## МУБОРАКБОД ЭТАДИ!



**Наврўз, бу — янги кун, янги ҳаёт ва фаровонлик-нинг тимсоли сифатида минг йиллардан буён ни-шонланади. Эркин ва озод ўлкамизда ушбу айёмнинг яна бир баҳорини қаршилаяпмиз.**

Биз Истиқлолнинг муждасини, юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг улкан самарасини ҳам кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқдамиз.



**Аминмизки, бундай фаровонлик ҳисси халқимизга абадий ҳамроҳ бўлади.**

Нигоҳ

# Франция ёлғонларга ишонмайди

## Жак Ширак 12 йиллик президентликдан сўнг истеъфога чиқяпти...

**Францияда президентлик сайлови яқинлашаётган бир пайтда сиёсатга бефарқ бўлмаган кишиларни: «Жак Ширак навбатдаги президентлик муддати учун ҳам курашармикин?» деган савол қизиқтираётган эди. Яқинда мамлакат телевидениеси орқали чиқиш қилган кекса арбоб мухолифлар хотиржам бўлиши мумкинлиги, у 2007 йил 22 апрелда ўтадиган сайловда қатнашмаслигини билдирди. Кетма-кет икки муддат президентлик қилган Жак Ширакнинг навбатдаги овоз бериш жараёнида иштирок этмаслик тўғрисидаги қарори катта сиёсатчилар томонидан олқиш билан кутиб олинди. Уларнинг хулосаси шундай бўлди: ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатгани яхши...**

**Собиржон ЁҚУБОВ**

ТЎҒРИСИ, Жак Ширакнинг мамлакат телевидениеси орқали чиқиши сиёсий васиятнома каби янгради. Франциз раҳбари нутқида ўз миллатига мурожаат қиларкан, уларни экстремизм, ирқчиликка қарши курашиш, «Европа уйи» кенгайишини қўллаб-қувватлаш, экологик фожиалар олдини олиш, Франция ҳудудидаги турли-туман маданиятларга ҳурмат кўрсатишга чақирди.

Жак Ширак ўз чиқишида 12 йиллик президентлик фаолиятига назар ташларкан, эришилган муваффақиятларга алоҳида тўхталди. Албатта, катта арбобларнинг ўз фаолиятига танқидий баҳо бериши бироз қийин кечади. Шу маънода Франция президентининг ўз мурожаатида фақат ижобий жиҳатларни тилга олганини тўғри тушуниш мумкиндир...

Аслида Жак Ширакнинг 12 йиллик раҳбарлик даврини таҳлил қилганда, президент ўзи ифтихор билан тилга олгани каби ҳамма иш ҳам сип-силлиқ кетмаганига амин бўлиш мумкин. Париж шаҳри ҳокимлигидан мамлакат президентлигига кўтарилган ушбу арбобнинг раҳбарлик даври ҳам ижобий, ҳам салбий ҳодисалар билан ёдда қолди. Афсуски, ана шу муваффақият ва камчиликлар тарозининг икки палласига қўйилса, дунёнинг кўзга кўринган кузатувчилари ҳам таъкидлаётганидек, барибир салбий жиҳатлар босиб кетиши муқаррар.

Маданият юзасидан энг аввал муваффақиятларга тўхталсак.

Франция Жак Ширак эндигина президент сифатида иш бошлаган даврда — 1995 йили ядро тадқиқотларини яна қайта бошлади. Бу кимгадир салбий воқеа бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Лекин нафақат Европа, бутун дунёда етакчи бўлишга интилиб келаётган давлат учун ядро изланишлари стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналиш саналади.

Айни шу йили Франция салкам ярим асрлик танаффусдан кейин яна қайта НАТОга аъзо бўлиб кирди (Замонавий француз давлатининг асосчиси бўлган Шарл де Голль хоҳиши билан 1966 йили мамлакат Шимолий иттифоқдан чиқиб кетганди).

Жак Ширак даврида амалга оширилган муҳим сиёсий ислоҳотлардан бири президентлик муддатининг 7 йилдан 5 йилга туширилгани бўлди. Давлат бошқаруви борасида жиддий ислоҳот сифатида баҳоланган бу ҳаракат ҳаттоки президентга мухолиф бўлган кучлар томонидан ҳам ижобий қабул қилинди.

ИРОҚ уруши Жак Ширакнинг халқаро миқёсда ҳам обрў топишига сабаб бўлди дейиш мумкин. Чунки айнан Франция раҳбарининг қарори билан мамлакат Ироқ уруши гирбодига тушишдан қутулиб қолди. АҚШнинг араб давлатида олиб борган ҳарбий амалиётларини Жак Ширак қатъият билан қоралади, шу тариқа битта ҳам француз аскари Ироқ «жазогоҳ»ига юборилмади.

Жак Ширак президентлигидаги муваффақиятсизликлар хусусида сўз борганда, энг биринчи навбатда ички сиёсатдаги нўноқликларни тилга олиш лозим. Мамлакатнинг сўнгги 12 йиллик ҳаётида

сезиларли иқтисодий ривожланиш кузатилмади.

Франция давлати тепасига келган илк пайтларда Жак Ширак мамлакатда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги кескин бўлинишни бартараф этиш мақсадида катта ислоҳот бошлади. Лекин оддий халқ жуда катта умидлар билан қаршилаган ислоҳотлар кутилган натижа бермади. Мамлакат иқтисодида юксалиш эмас, қуйига шўнғиш кузатилди. Масалан, 1997 йили Францияда ишсизлик 1,5 миллион атрофида бўлган бўлса, 2007 га келиб бу рақам 2 миллионни қувиб етди.

Бир пайтлар бутун қитъанинг молиявий марказларидан бири бўлган мамлакатнинг ташқи қарзи ҳам кескин ошиб кетди. Агар 1995 йилда Француз давлатининг ташқи қарзи 657 миллиард еврони ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб 1 триллион 200 миллиард еврога чиқди. Ташқи қарзнинг бу тариқа кескин ошгани табиатан бошқаларга ёрдам бериб, инсонпарварлик миссиясига ўрганиб қолган француз халқининг кайфиятига кучли таъсир кўрсатди.

Боз устига, аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш мақсадида бошланган ислоҳотлар ҳам самарасиз бўлиб чиқди. Франция сўнгги чорак аср тарихида кўрилмаган иқтисодий тушкун кайфиятга тушиб қолди. Буни Le Point журналининг қуйидаги маълумотлари ҳам тасдиқлайди: охирги йилларда французлар яшаш даражаси бўйича америкаликлардан 38 фоиз, ирландлардан 20 фоиз, инглизлардан эса 12 фоизга ортда қолди...

КОРРУПЦИЯ билан боғлиқ бир қатор можаролар француз халқининг ўз раҳбарига нисбатан ишончи сусайишига яхшигина таъсир кўрсатди. 2000 йили Франциянинг етакчи миллий газетаси Le Monde Республикачилар иттифоқи (RPR) раҳбари томонидан Жак Ширакнинг махфий молиявий ўйинларга алоқадорлиги хусусида айтилган ёзувларни ошкор қилди. Бу можаро ҳали босди-босди бўлиб улгурмасдан Жак Ширак Париж мэри билан биргаликда шаҳар атрофидаги уйларни қуришга рухсат бериш эвазига компаниялардан пора олгани тўғрисидаги овозалар тарқалди. Ўша можаролар пайтида судья Эрик Альпен ҳаттоки президентни сўроққа ҳам чақирди.

Шу тариқа газак олиб борган «жароҳат» 2005 йили Франция пойтахтини алғов-далғов қилиб ташлаган норозилик намойишлари пайтида ёрилди...

2006 йили Европа Иттифоқининг ягона Конституциясини қабул қилиш масаласида ўтказилган референдум мамлакат халоскори Шарл де Голлнинг «Буюк Франция» ғоясини давом эттиришга ваъда берган Жак Ширак учун кучли сиёсий мағлубият билан хотима топди. Ижтимоий муаммолардан юрак олдириб қўйган француз халқи Европа уйи кенгайиши билан мамлакатга Иттифоққа янги аъзо бўлган давлатлардан миллионлаб ишчилар оқими келишидан хавотирга тушиб қолганди. Нони яримта бўлишидан ҳадиксираган халқнинг фикрини ўзгартириш эса Жак Ширак ҳукумати қўлидан келмади. Ҳолбуки, Франция ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб Европа уйини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлганди.

БАЛКИ ана шулардан келиб чиққандир, Жак Ширакнинг азалий мухолифларидан бири — «Миллий фронт» раҳбари Жан-Мари Ле Пен уни мамлакат тарихидаги энг ёмон раҳбар деб атаган. Франциядаги коммунистик лига (LCR) етакчиси Оливье Безансено эса Ширакнинг президентлик йилларини «ёлғон ва алдов даври» деб баҳолаган.

**Нима бўлган тақдирда ҳам, ўн йилдан ошиқ президентлик даврида дунёнинг тилга тушган арбобларидан бирига айланган Жак Ширак истеъфога чиқяпти. Ҳар доим ўзининг тантанавор маърузалари билан одамларни сеҳрлаб олган президентнинг охирги чиқиши жуда эҳтиёткор ва мулоҳазакор бўлиб қолган французларга олдингидек таъсир эта олмади. Хулоса шуки, Франция бундан буён ёлғон ва алдовларга ишонмайди!..**

Дараклар

### Тони Блэр кечирим сўрашдан чарчади

***Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ғарб мамлакатлари Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар учун дунё ҳамжамиятидан кечирим сўрашни тўхтатиши лозимлигини таъкидлади.***

Sky News телеканалига берган интервьюсида инглиз ҳукумати бошлиғи мазкур Афғонистон ва Ироқдаги аҳволни фақат куч ишлатиш йўли билангина ҳал этиш мумкинлигини уқтирулади.

Ироқда минглаб инсонларнинг ҳалок бўлаётгани ҳақида гапирган Тони Блэр бу фожиа экани, бироқ улар ҳақиқат учун кураш қурбонлари эканини билдирди.

Британия лейбористлари етакчиси АҚШнинг халқаро терроризмга қарши курашдаги энг яқин иттифоқчиси саналади. Блэр жанобларининг Америкага ишончи шу қадар кучлики, ҳаттоки БМТ каби нуфузли халқаро ташкилот Ироқ урушига қарши чиққан пайтда ҳам расмий Лондон Вашингтон сиёсатини қўллаб-қувватлади. Ироқда амалга оширилган сўнгги амалиётлардан афсус чекмаётганини очиқ билдирган бош вазир АҚШ билан ҳали ҳам яқин дўст эканини намойиш этди.

### Фидель Кастронинг аҳволи қандай?

***Куба раҳбари Фидель Кастро мамлакатда келгуси йилнинг баҳорида ўтадиган парламент сайловига қадар соғайиб кетиши мумкин. Бу ҳақда Куба Миллий ассамблеяси раиси Риккардо Аларкон маълум қилди.***

Мамлакат қонун чиқарувчи идораси раҳбарининг сўзларига қараганда, у Фидель Кастро билан тез-тез кўришиб турибди ва «доҳий»нинг саломатлиги тобора яхшиланиб боряпти.

80 ёшли Фидель Кастро гарчи соғлиғи ёмонлашгани туфайли ўз ваколатини вақтинча укаси Рауль Кастрога берган бўлсада, ҳали ҳам қонунан мамлакатнинг биринчи раҳбари саналади. Куба коммунизми отаси сайёрамизнинг энг кекса давлат раҳбаларидан бири саналади. Куба оролини 47 йилдан бери идора қилиб келаётган Кастро 2006 йилнинг 1 июлида оғир операцияни бошдан ўтказди. Шундан кейин Куба раҳбари соғлиғи тобора ёмонлашаётгани тўғрисида хабарлар тарқала бошлади. Расмий ҳукумат эса бу хабарларни ҳозиргача рад этиб келади.

### Тутанхамон Лондонга келади

***Миср фиръавни Тутанхамоннинг мўмиёланган жасади Буюк Британияга кўргазма учун келтирилади. Бу ҳақда Миср ҳукумати ва Буюк Британия томони ўртасида келишувга эришилган.***

Дунёдаги энг қимматли экспонатлардан бири саналган фиръавн хилхонасидан топилган буюмлар 2007 йилнинг ноябридан 2008 йилнинг августига қадар Лондон шаҳрида намойиш этилади. Кўргазма ташкилотчилари қадимий экспонатларни кўриш учун 2 миллион киши келишини мўлжаллашяпти. Ушбу кўргазмадан тушиши кутилаётган 100 миллион доллар маблағ қадимий буюмларни таъмирлаш учун ишлатилади.

Фиръавн Тутанхамон қабри 1922 йили инглиз археологи Говард Картер томонидан топилган эди. Ўтган йиллар давомида қадимий хилхона буюмлари дунё бўйлаб неча маротаба «саёҳатга чиқди».

Миср ҳукмдорининг хилхонаси буюмлари Лондонда сўнгги марта 1972 йилда қўйилган эди.

### ОПЕК нефть ишлаб чиқаришни пасайтирмайди

***Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) кунлик «қора олтин» қазиб олиш кўрсаткичини 25,8 миллион баррель даражасида сақлаб қоладиган бўлди. Венада ўтган аъзо давлатлар йиғинидан кейин ташкилот ана шундай қарорга келган.***




ОПЕК вакиллари фикрича, кунлик нефть қазиб олиш кўрсаткичининг сақлаб қолиниши «қора олтин» нархини 60 доллар атрофида ушлаб туриш имконини беради. Айни пайтда нефтнинг бир баррели 58,5 долларга баҳоланяпти.

ОПЕК давлатлари жаҳон нефть заҳирасининг 41 фоизига эгалик қилади. Шу боис ҳам ташкилот томонидан энергия манбасини қазиб олиш кўрсаткичи пасайтирилиши ёки кўпайтирилиши дунё бозорига кучли таъсир кўрсатади.



# Наманган вилояти Косонсой Халқ таълими бўлими жамоаси

Янги кун муборак!

## Таълим

# Коллеж ҳаётга йўллайди

***"Замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт", деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов.***

**Нуриддин БОЗОРОВ,**
коллеж директори

Бугунги кунда юртимизда янгидан жиҳозланиб фойдаланишга топширилаётган ўқув даргоҳлари қаторида кўпгина коллежлар ҳам бор. Чунки шиддат билан ўзгараётган давр етук ва малакали мутахассисларни талаб қилмоқда.

Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи ҳам ана шундай мутахассисларни етиштириб чиқаришга самарали ҳисса қўшмоқда. Коллежда маркетинг, иқтисодиёт, банк иши, молия, ҳуқуқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш сингари йўналишлар бўйича сабоқ берилади.

Зиё маскани жойлашган ҳудуд шаҳримизнинг муқаддас қадамжоларидан бири бўлиб, "Дахмаи Беҳиштиён" қадамжоси бунёд этилган. Ушбу зиёратгоҳни обод этишда коллеж ўқитувчилари ва талабалари фаол иштирок этиб, 400 минг сўмлик ҳомийлик қилишди. Бундан ташқари, Бухоронинг бир қанча жойлари, жумладан "Мирзо Улуғбек", "Сомонийлар боғи", "Хотира майдони" ҳамда Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбанд кўчаларини ободонлаштириб, 2000 туп мевали ва манзарали кўчатлар экдилар.

Коллежда спортга қизиқиши баланд бўлган йигит-қизлар жуда кўп. Бундай талабалар мураббийлар томонидан турли спорт мусобақаларига жалб этилади. Жумладан, коллеж ўқувчилари "Баркамол авлод", волейбол, таэквандо, юнон-рим кураши, қўл жанги, теннис каби спорт турида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашди.

Дарсдан сўнг ҳам ётоқхонада яшайдиган талабалар учун "Моҳир қўллар" миллий каштадўзлик тўгараги, "Камолот" ЁИҲ томонидан ташкиллаштирилган "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилади. Бундан ташқари, Абу Али ибн Сино саломатлик маркази, фотография, сартарошлик хизмати ҳам фаолиятда.

Бухорога хориждан ташриф буюрган вакил ва меҳмонлар коллеж талабалари билан учрашувлар ўтказиши ҳам яна бир қувонарли ҳолдир. Кореянинг Ўзбекистондаги элчиси Ким Хан Су, Франция судининг вазири Девид Аллонсиусларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Талабаларни муҳаббат руҳида тарбиялаш эса коллеж жамоасига шарафли масъулиятни юклайди. ®

## Кадрият

# Мучалнинг келиб чиқиш тарихи

**Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади**

Ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган вақт бирлиги — мучал Шарқ тафаккури маҳсулидир. Мучал бўйича янги йил 21 март — Наврўздан бошланади. Ғарб маданияти турмуш тарзимизга шунчалик таъсир ўтказганки, кўпчилигимиз соф шарқона бўлган мучални 1 январда киради, деб ўйлаймиз. Унинг қаерда кимлар томонидан яратилганлиги ҳам катта баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кўпгина халқлар мучални ўзиники қилишга ҳаракат қилишади. Турли тортишувларга қарамай шу нарса аниққи, мучал Осиёнинг шарқий қисмида яшайдиган халқлар, хусусан, туркийларнинг ҳам қадимги йил ҳисоби бўлган. Мана, мучалнинг келиб чиқиши ҳақидаги "Девони луғотит турк"да келтирилган талқин:

"Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга қўйганлар. Туғилиши, жанг таърихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан (хоқон) қавми билан кенгашди ва айтди: "Биз бу таърихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга (ном) қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин".



Улар: "Айтганингиздек бўлсин", — дейишди.

Хоқон овга чиқди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон сичқон бўлди. Шунинг учун йил боши унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб, сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди:

***уд (сигир) йили,***
***барс (йўлбарс) йили,***
***товушқон (қуён) йили,***
***нак (тимсоҳ, ҳозир балиқ дейилади) йили,***
***йилон (илон) йили,***
***йунд (от) йили,***
***қўй йили,***
***бижин (маймун) йили,***
***тақағу (товуқ) йили,***
***ит йили,***
***тўнғиз йили.***

Тўнғизга етгандан кейин ҳисоб яна сичқон йилидан бошланади...

Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор, деб тахминлайдилар. Масалан, уларча сигир йили бўлса, уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ (балиқ) йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ, қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш ҳар йилга бирор тахмин юритадилар".

## Кечинма

# Фермернинг Наврўзи

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

Бахмал туманига салобат бағишлаб турган Ойқортоғ этагидаги қишлоқларда Наврўзда бўлсангиз, етти хил дон солиб пиширилган таом билан сийлашади.

— Олинг, меҳмон, — дейди улар, — отабоболаримиздан қолган удум бу! Белингизга қувват бўлади, юрагингизга дармон...

Тансиқ таомдан ичиб сўрайсиз:

— Жуда мазали-ку, қандай тайёрланган?

Мезбон ҳаракатингизни кўриб, табассум қилади.

— Бугдой, арпа, гуруч, тариқ, макка, жўхори, ясимиқ дегандай... Ўшаларни сувга солиб қайнатганмиз.

— Ҳа, — дейсиз ўзингизга, — бу неъматлар бизга Одам Атодан мерос. Уларнинг ҳар бири ҳақида ривоятлар, бадиҳалар бор. Айниқса, онамиз биби Фотиманинг болаларига сумалак пиширгани-чи? Кўкдан малаклар тушиб, уй соҳибасига ёрдамлашгани-чи? Бу таомнинг оғизга қоладиган мазаси-чи? Фақатгина шуларми? Наврўз кўкатлари солинган кўк сомсалар, ялпиз бараклар, исмалоқдан қилинган ғилминдилар, эҳҳе, санаб саноғига етолмайсиз. Бир меҳмоннинг ҳурмати шу-да!

— Кенжагул, — хотинига имлайди Жуман ака, — энди меҳмонга ҳалимингиздан олиб келинг!

Қўй гўштидан қилинган ҳалимдан татиб, бундай ширин овқатни тайёрлаганга тасаннолар ўқийсиз. 13 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган уй бекасининг ҳар бир ҳаракатида шукроналик туйғулари акс этиб турибди. Марказдан узоқ қишлоқдаги Жуман ака Нуримовнинг хонадонида Наврўз қандай тантана қилинаётганини бир келиб кўрсангиз эди.

Хонадон ҳовлисида икки юз йил қўшни кўрган бадани бужур бўлиб кетган тут дарахти, юз йиллик ток бор.

— Бу дарахтлар бизга кечаги кунимизни эслатиб туради. Отамнинг оталари экан эканлар. Шуларга қараб, етти авлодимиз ёдимга тушади. Улар ҳам деҳқон эканлар.

Ҳикоямиз қаҳрамони Жуман ака Нуримов 70 баҳорни қаршиладилар. Унинг ажодлари деҳқон бўлса, у бугун фермер!

— Жуман ака шахсий жамғармасидан Сангзор дарёсига кўприк қуриб бердилар. Ҳар куни бу кўприкдан юзлаб ўқувчиларимиз ўтади. Биз отаҳоннинг беминнат ёрдамини унутмаймиз, — дейди қишлоқдаги Абдуғаффор Умрзоқов номли мактаб ўқитувчиси Аъзам Қаршибоев.

Ҳазрат Алишер Навоий хайрли ишларни бажариш Каъбани обод қилиш билан баробардир, деган эканлар. Жуман ака ҳаж сафари учун жамғариб қўйган пулини ҳамқишлоқларига кўприк қуриб беришга сарфлабди. Кишилар бу ҳимматни кўргач, уни Жуман ҳожи деб атай бошлабдилар. Ёки бўлмаса Чибар қишлоқ врачлик пункти фельдшери Абдуҳошим Тожибоевнинг оғзидан бол томиб айтган гапларини таъкидлайликми? «Жуман ака шифохонамизни ободонлаштиришда ўз ёрдамларини аямаганлар...»

Жуман ака айни Наврўз кунларида ўз режаларини амалга ошириш учун қадрдон далаларида тонгни кутиб оляпти. Бутун борлиқ уйғоняпти, Ойқортоғнинг эриган қорлари жилға бўлиб, Сангзор дарёсига қўшиляпти, дарахтлар гуллаяпти, эсаётган майин ел димоққа турфа гулларнинг ҳидини олиб келяпти. Шундай пайтларда уйда ўтириб бўладими? Ҳозир ерга битта таёқ тиқсангиз, эртага мева беради. Битта уруғ ташласангиз, бошоққа айланади. Демак, ҳиммат камарини боғлаб, Жуман акага ўхшаб далаларга отланиш керак!

Жуман ака тадбиркор, уста, тажрибали фермер. У сув йўлларини аниқлаб, Сангзор дарёсини канал орқали тоғ ён бағирларига чиқишга раҳбарлик қилди. Ҳозир бу ердарда фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Ўзи 50 гектар ер олиб, ғалла экади. 36 гектар токзори бор. Теракзорлар, ёнғоқзорлар барпо қилди. Мана сизга иморат учун ёғоч, дастурхон учун мева!

2007 йилнинг ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши Жуман аканинг ҳам қалбидаги эзгу ҳисларни жўш урдириб юборди. Ҳамиша қилиб келган саховати бу йил ҳам тантана қилади. Муҳтож оилаларга кўмаклашади, шартномани бажаради, ўзини уруғ билан таъминлайди. Бозорни обод қилади, орттирганини эса элга тўй қилиб беради.

Мана шу дориломон кунларда Жуман аканинг кўнглидан нималар кечаётган экан? Дунёда яхши ном қолдириш учун меҳнат қилиш, эзгу туйғуларга ошно бўлиш зарурлигини ҳис қилаётгандир? Нима бўлганда ҳам бундай улуғ кунларда фақат эзгуликни ўйлаб иш қилиш керак!

... Жуман аканинг хаёлини невараси Исломнинг бийрон сўзлари бўлди:

— Манг, бобожон, сизга бойчечак териб келдим.

Шу мурғак неварасининг кулгуси, қўлидаги гул Наврўз туйғуларига ошно бўлиб кетганини Жуман ака ҳис қилди.

# Акциядорлик тижорат «ТУРОН БАНК»

TURON BANK

***Азиз юртдошлар! Банкимиз акциядорлари ва мижозлари!***

## Акциядорлик тижорат «Турон банк» Кенгаши ва Бошқаруви Сизларни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди!



***Эзгулик ва янгиланиш айёми хонадонингизга тинчлик, осойишталик ва қут-барака келтирсин. Мустақил ватанимизда эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин.***

**«Турон банк» Сиз билан, Сиз учун!**

Аҳвол

# Журналистга маҳорат керакми?

## ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги бош директори ўринбосари

Биз яхши биламиз, журналист учун шу куннинг долзарб мавзусини танлай билиш катта аҳамиятга эга. Танланган мавзуни чуқур ва маъноли ёритиш учун эса маҳорат керак.

Ҳаётда ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам кўп. Долзарб мавзу деганда фақат ютуқларни мадҳ этишни тушунмаслик керак. Долзарблик камчиликларни танқид қилишда ҳам мавжуд. Танқид орқали ижтимоий ҳаётда юзага келган ҳар қандай муаммонинг илдизини очиб ташлаш мумкин. Хоҳ мақтов, хоҳ танқид бўлсин, танланган мавзуни ёритишда маҳоратимизни ишга солар эканмиз, албатта, ўзимизга маъқул ва мақбул жанрда ижод қиламиз. Ўзининг маҳоратини намоён қиламан деган журналист иложи борича барча жанрларда ёза билиши керак. Жуда бўлмаганда шу жанрларнинг хусусиятларини билганлари ҳолда уларни бир-биридан фарқлай олишлари зарур. Акс ҳолда улар ўзларини маҳоратлиман дейишга ҳақли эмаслар. Бундай журналларда, хусусан, газеталарда жанр қашшоқлиги оқибатида бир хиллик юзага келади.

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги пайтда аксарият газеталар жанр масаласида қолипга тушиб қолишди. Асосан хабар, ҳисобот, суҳбат, корреспонденция ва статистик маълумотга ўхшаган мақола ҳукмрон. Энг жанговор, таъсирчан ва ҳозиржавоб жанр — репортаж йўқолиб кетди. Фельетон кўринмай қолди, очерк камайиб боряпти, баъзи бировлар памфлет нималигини ҳатто билишмайди ҳам. Хўш, нега репортажлар ўрнини "пресс-релиз"дан кўчирилган хабар ва корреспонденциялар, таҳлилий мақолалар ўрнини статистик ҳисоботга ўхшаган маълумотномалар, шарҳлар ўрнини интернет хабарлари, рейдлар ўрнини бир журналистнинг бориб жойида камчиликни хас-пўшлаб қайтиши билан боғлиқ ҳолатлар, фельетонлар эгаллаяпти?! Бу саволга жавоб излар экансиз, беихтиёр хаёлингизга дангасалик, лоқайдлик, нўноқлик деган фикр келаверади.

Ҳозир нима кўп — йиғилишлар кўп. Уларда кўтарилган мавзуларнинг долзарблигидан келиб чиқиб репортаж ёзиш қандай яхши. Сўзга чиққанларнинг ранг-баранг фикрларини, йиғилишдаги мунозара ва тортишувларни жонли тарзда баён этишга нима етсин. Репортажнинг устунлиги ҳам шунда. Бироқ бунинг учун маҳорат керак. "Пресс-релиз" эса дангаса ва нўноқ журналист учун қўлқанот. Нима қилади бош қотириб? Тайёридан кўчириб хабар ёки корреспонденция ёзиб қўяқолади.

Репортажни ҳамма жойдан, ҳар қандай мавзуда ёзиш мумкин. Айтайлик, деҳқон даласидан ёки чўпон яйловидан, қурилиш майдонидан ёки саноат корхонаси цехларидан меҳнат кўтаринкилиги руҳида, чиройли тасвирларда ёзилган репортажлар ҳар қандай газетага мазмун ва кўркамлик бағишлайди. Аммо қани ўшандай репортажлар? Бугун уларнинг ўрнини статистик ҳисобот тарзида ёзилган корреспонденциялар ҳамда қатор-қатор рақамлар тилга олинмаган бирорта ҳам жумласи бўлмаган маълумотнома (справка) тарзидаги мақолалар эгалламоқда. Аслида улар бирорта корхона, муассаса ва ташкилотнинг иқтисод ёки режалаштириш бўлими томонидан ҳисобот учун тайёрланган бўлиб, журналист учун катта меҳнат ва маҳорат талаб қилмайди. Бундай материаллар газетанинг зерикарли, журналистни эса дангаса қилиб қўяди.

Кейинги йилларда аксарият газеталарда зарбдор қурилиш майдонидан ёки илғор саноат корхонасидан кўтаринкилик билан ёзилган ҳозиржавоб ва жонли репортажни кўрганимиз йўқ. Ҳатто одатдаги фоторепортажлар ҳам йўқолиб кетди. Вазиятдан келиб чиқиб, бугун деярли барча газеталарда эълон қилинаётган тижорат материалларини ҳам репортаж жанрида берса бўлади. Аксинча, ҳомийлик қилган ва пул тўлаган ташкилот вакиллари бундан мамнун бўлишади. Чунки репортаж ўқишлилиги ва таъсир кучи билан ҳаммани жалб қила олади.

Бир гапни очиқ айтиш керак. Тўғриси, газетхонлар тугул, биз журналистлар ҳам ғужғуж рақамлардан иборат, таҳлил ва тасвир йўқ, фикр-мулоҳаза йўқ, мақсад ва хулоса йўқ материалларга кўникиб, ўрганиб ва мослашиб қоляпмиз. Баъзи дипломли, ҳатто матбуотда бир неча йил ишлаб қўйган ёш ҳамкасбларим бирорта жанрни билиш ёки шу жанрда ёзиш тугул, ҳатто жумла тузишда ҳам қийналиб қолаётганликларини кўриб жудажуда ачинаман. Вақти келиб, улар бирорта матбуот нашрига раҳбар бўлиб қолишлари мумкин. Шунда улар ўз ходимларидан нимани талаб қилишади ёки қайси жанрда ёзиш тўғрисида топшириқ беришади? Ҳозир нима кўп, нашр кўп. Шундай болалаб кетишганки, уларнинг номларини ҳам эслаб қололмайсиз.

Уларга раҳбарлик қилаётганлар жанрлардан, умуман, журналистикадан хабардормийўқми? Нашрларнинг эгалари бу ҳақда жиддий ўйлашлари зарур.

Биз фақат газеталарнигина назарда тутаётганимиз йўқ. Радиолар ҳам кўпайиб кетган. Баъзан улардаги пала-партишликни, нўноқлик ва бачканаликни эшитиб энсанг қотади. Бу айрим ходимларнинг журналистикадан бехабарлиги оқибати. Репортаж радио учун энг зарур жанр. Эфирга жон киритади, эшитувчига ҳузур бағишлайди, жойлардан уюштириладиган жонли репортажлар ҳар кандай кишини ўзига жалб қилиб олади. Ҳозир репортажлар ўрнига нуқул бачкана савол-жавобларни эшитасиз. Эшитиб, беихтиёр журналистикада ўқиб диплом олишнинг нима кераги бор, деган фикрга борасиз. Тўғри-да, Эшмат ҳам, Тошмат ҳам эфирни бошқариб кетаверганидан кейин бошқа хаёлга бормайсиз. Бунда, аввало, эфирга масъул бўлган раҳбар айбдор. У талабчанлик қилмасликдан ташқари эфирнинг масъулиятини ва журналистиканинг моҳиятини ҳам тушунмайди.

Бир ҳаётий мисол. Мустақилликнинг дастлабки йиллари эди. Мен радиода директор ўринбосари бўлиб ишлардим. Биз бир-икки йил кузатдик: телевидение Мустақиллик майдонидан тўғридан тўғри чиройли репортаж берди. Ҳавас қилдик. Навбатдаги байрамга биз ҳам тайёргарлик кўрдик. Алоқачилар ва байрамни ўтказиш комиссиясидагилар ёрдам берадиган бўлишди. Ташаббусимизни радионинг раҳбарияти маъқуллади. Биз бир ой давомида режиссёрлар, овоз режиссёрлари ва операторларидан ташқари мустақиллик майдонидан бевосита репортаж олиб борадиган иккита тажрибали журналистни ҳам тайёрладик. Улардаги масъулият асосий эътиборни тасвирлашга қаратади, радиорепортажда эса журналист ана шу тасвирларни майдондаги кўтаринки, байрамона, жозибали жараённи ўта ҳозиржавоблик ҳамда юксак маҳорат билан эшитувчига етказиб бериши керак. Биз байрам арафасида бир неча марта мустақиллик майдонидаги инженер-техник ҳамда ижодий ходимларимиз билан боғланиб, бу жараённи синовдан ўтказдик. Ҳатто тўғридан тўғри репортаж олиб бориш учун майдондан жой олиш масаласи ҳам ҳеч қандай муаммосиз ҳал бўлди.

Ниҳоят байрам куни келди, мустаққиллик майдонидан тўғридан тўғри радиорепортаж бошланганида ҳаяжондан энтиккан бўлсак, у тугаганида қувонганимиздан бир-биримизни бағримизга босдик. Ташаббус ўз самарасини берди. Тўғридан тўғри репортажж юксак савияда ўтди. Телевидениедаги ва бошқа жойлардаги ҳам касбларимиз бизни табриклашди. Мамлакатимизнинг турли чекка қишлоқларидан, ҳатто яйловларида юрган чўпонлар номидан ҳам қўнғироқлар бўлди. Радионинг ўзида эса бу воқеа янгилик деб қабул қилинди.

Биз энди раисимиз тўғридан тўғри радиорепортажни тайёрлаш, ташкил этиш ва аввало уни олиб боришда қатнашган ходимларни рағбатлантирса керак, деб ўйладик. Орадан бир кун ўтиб, раиснинг буйруғи билан ана шу жараёнда қатнашган барча ходимларга ҳайфсан берилди ва улар ойлик мукофотдан маҳрум этилди. Мен ҳайрон қолиб радионинг раҳбари олдига кирган эдим, у елка қисиб раисга боришимни айтди. Телерадионинг ўша пайтдаги раиси ўрисфеъл одам эди. Буйруқ рус тилида чиқарилган ва унга "инициатива наказуема" асос қилиб олинибди. Шу куниёқ раиснинг ҳузурига кирдим. "Ибрагим ака, инициатива наказуема, понятно вам", деди у. Мен "понятно" деб чиқиб кетдим. Бор айбимиз шуки, биз уни олдиндан хабардор қилиб қўймабмиз.

Шундан кейин ҳеч ким нафақат байрам тантаналаридан, умуман, ҳеч қаердан тўғридан тўғри репортаж уюштириш тўғрисида оғиз очмай қўйди. Яхшиси, суҳбат жанридан тинчи йўқ экан, деган фикрга борилди.

Айтинг-чи, ҳозир қаерлардадир шунга ўхшаган ҳолатлар юз бермаяпти дейсизми?! Баъзилар эфирга чиқиб маҳмадоналик қилишни маҳорат деб билишади. Радио тўлқинларида ва газета саҳифаларида репортаж йўқ бўлиб бораётган экан, унда нега журналистика факультетларида бу жанр ўқитиляпти ва ўргатиляпти? Аввало, шу жанрда дарс берадиган ўқитувчи-домлаларнинг ўзлари репортаж ёза билишлари керак. Шундагина студентларга нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ибрат бўла олишади. Репортаж ёзиш ёки олиб бориш маҳоратини эгаллаган журналист қаерда ишламасин бу жанрдан воз кечолмайди. Журналистикада профессионаллик ана шундай ҳолат ва мезонлар билан ўлчанади. Бу репортаждан бошқа жанрларга ҳам тегишли. Айниқса, матбуотда анқонинг уруғи бўлиб бораётган жанрларни тирилтириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур. Акс ҳолда газеталаримиз турли идоралар чиқараётган бюллетенларга ёки деворий газеталарга ўхшаб қолади. Ҳозир шундай аҳволга тушиб қолган матбуот нашрлари ҳам йўқ эмас.

Албатта, тижоратга эътибор кучайиб бораётган бугунги кунда ёза биладиган журналистдан кўра, пул ундира биладиган журналистнинг ошиғи олчи. Туширган пули учун моддий рағбат олади. Давр талаби, ислоҳот қонунияти шундай. Буни ҳеч ким инкор этолмайди ёки нотўғри деёлмайди. Аммо журналист маҳоратини рағбатлантиришнинг ҳам имкониятларини излаб топиш зарур. Бундан нафақат тажрибали журналистлар, балки оммавий ахборот воситалари ҳам манфаат кўрадилар. Ўқишли газета, қизиқарли кўрсатув ёки эшиттириш кимга ҳам ёқмайди дейсиз. Зерикарлилик ва бир хиллик, умуман, бир қолипга тушиб қолиш ҳеч бир оммавий ахборот воситасига обрў келтирмайди.

Назаримда, зиммамиздаги катта вазифани ҳис этган ҳолда ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишимиз зарур. Айниқса, маҳорат бобида енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юришга ўрганмайлик. Қаерда ишламайлик, дангасалик, лоқайдлик, нўноқлик жанр қашшоқлигини келтириб чиқаради. Бу шаънимизга ярашмайди.

Истагимиз шуки, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари чиройли репортажлар ёзишга ундаб турса, ҳаётимиздаги нуқсон ва камчиликлар ўткир фельетонлар учун мавзу бўлсин. Фермер ва тадбиркорлар бадиий очерклар қаҳрамони этиб танланса, таъмагир ва порахўр суд очеркларида шарманда қилинсин. Жаҳонда тинчлик ва хавфсизлик учун курашаётганлар халқаро шарҳларда мадҳ этилса, дунё тинчлигини бузаётганларнинг асл қиёфалари памфлетларда очиб берилсин. Хуллас, маҳоратимизни ишга солайлик. Профессионаллик биздан шуни талаб қилади. Бугунги куннинг талаби ҳам шу.

Туйғу

# Беш кундан сўнг баҳор қайтади

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

*Беш кун баҳор бўлади бизда,*
*Беш кун лола қўшиқ айтади.*
*Лой тиқилган кўлмак ҳовуздан,*
*Беш кундан сўнг баҳор қайтади.*

*Теракларнинг пўпанаклари,*
*Сирға бўлиб улғуролмайди.*
*Бойчечакнинг сариқ гуллари,*
*Ёз тафтига дош беролмайди.*

*Олтинчи кун олов пуркаган*
*Қуёш бунда бўлади ҳоким,*
*Ушбу юртни ватаним деган*
*Яшар бунда оловқалб халқим.*

***

*Осмон тутаб жалалар ёғиб,*
*Тор хонада жўш урса ғийбат,*
*Қайнаса ҳам ёлғон булоғи,*
*Бузилмайди соф асл тийнат.*

*Қон қизарса уфқ нигоҳи,*
*Бу сирлардан кўз очса ҳайрат,*
*Бир мушфиқнинг тугамас оҳи,*
*Бир вужудда ўзгармас тийнат.*

*Дарё тошиб қирғоқ қуласа,*
*Ўркачланса селлар баҳайбат,*
*Ҳамки синса энг азиз коса,*
*Парво қилмас шунда ҳам тийнат.*

*Қораликда Қайс деса ёрни,*
*Бўҳтонлардан ёғилса туҳмат,*
*Дил тилида ёзиб қарорни,*
*Чидай олар биргина тийнат.*

*Ҳаммасига дош беради у,*
*Ахир унда бу туғма тийнат,*
*Ором берар дилдаги қайғу,*
*Чунки унинг номи муҳаббат.*

***

*Эзгулик нияти бизга ёр ҳар дам,*
*Савобу гуноҳни англаймиз кейин.*
*Ёшликдан шайтонлик бизларга ҳамдам,*
*Шўхликлардан ўзни тўхтатиш қийин.*

*Ақлимиз пешланиб тишлар тушаркан,*
*Шайтоннинг шаънига отамиз биз тош.*
*Не бир алломалар эслаймиз шарқдан,*
*Гўё улар бизга энди бир сирдош.*

*Аслини олганда шайтонлик қилиб,*
*Энди катталарни йўлдан урамиз.*
*Насиҳат қиламиз юзига кулиб,*
*Шайтон билан доим бирга юрамиз.*

*Аллоҳ бандасини яратган замон,*
*Шайтонни қон узра қилди бовужуд.*
*Жисмимиз шайтонга бўларкан макон,*
*Шайтонлик бизларда азалдан мавжуд.*

Таассурот

# Миркарим Осимнинг «иси»

***Иброҳим Ғафуровнинг "Ҳаё — халоскор" китобини оҳиста варақларканман, не сабабдандир, кўз ўнгимда фидойи тарихчи адибимиз Миркарим Осим сиймоси гавдаланаверди. Китоб муаллифию Миркарим Осим, китоб сарлавҳасию Миркарим Осим, китобга кирган мафтункор асарлару Миркарим Осим. Булар орасида қандайдир кўзга кўринмас бир ип бор эди. Бу ип икки адиб, икки фидойи зиёлини бир-бирига чамбарчас боғлаб турарди. Иброҳим Ғафуровдан, унинг "Ҳаё — халоскор"идан, бугунги аҳли таъблар мажлисидан, ажабки, Миркарим Осимнинг иси келиб турарди...***

**Маҳмуд САТТОРОВ**

Кўз ўнгимдан 70-йиллар, Тошкентнинг мўътабар иморати — "Навоий-30", Маҳмуд мўйлов лағмонхонасидан чиқиб, пешинда оҳиста сайр-суҳбат қилиб юрган устоз-шогирд Миркарим Осим ва Иброҳим Ғафуровлар қиёфаси ўтиб турарди. Икки дўст ёшида 30 йиллик фарқ бор. Бири замоннинг барча заҳар-заққумини ютган, бошидан фожеъ тақдирни кечирган, қадди дол мўйсафид, иккинчиси кучга тўлган, замона адабий тафаккурининг олди вакили, ҳали йўли кесилмаган, омадли истеъдод соҳиби.

Уларни нима бирлаштиради? Миллат, тарих, адабиёт, онажон Тошкент. Улар нима ҳақда ҳеч тўхтамай, танаффус билмай суҳбатлашадилар? Адабиёт, таржима маҳорати, тарих, тарихий сиймолар. Албатта, даҳо шоир Алишер Навоий, жони жасадига, руҳи равонига сиғмаган Машраб, яна қанча мумтоз адиблару жаҳон адабиётининг бўй етмас чинорлари ҳақида. Бу суҳбатнинг охири борми? Асло йўқ, у умрбод тугамайди, тўзим билмайди.

Ўша йиллари чоп этилган (1976) "Ямяшил дарахт" китобида шогирд Иброҳим Ғафуров ёзганди: "Бу йил куз чинакам олтин куз бўлди. Кеч куз тушди. Лекин офтобнинг илиғи пасаймади. Ноябрнинг оёқларигача кўкда булут кўринмади. Офтобнинг нафаси шу қадар ёқимли эдики, одам уйга киргиси келмасди. Миркарим Осим билан сайр қилиб юрардим.

— Ана, осмонни қаранг, — деди Миркарим ака қўлларини осмон саҳфаси томон ёзиб. — Нақадар кўк. Айниқса, дарахтларнинг шохлари орасидан қарасангиз, жудаям кўм-кўк бўлиб кўринади. Бир хил рассомлар шуни топиб ишлайди. Қаранг, қаранг, тўғрими?

— Рост, жуда ҳам кўк, — дедим.

— Сизга мендан кўра ҳам кўкроқ кўринса керак. Мен ўн икки яшарлигимда бундан ҳам кўк кўринган эди, эсимда, биламан... Мана бу томон эса унчалик кўк эмас, қизиқ...

— У томонга ҳозир кўпроқ офтоб тушяпти, шунинг учун оқариброқ кўринади.

— Эҳтимол, эҳтимол...

— Қаранг... — деди яна Миркарим ака синиқроқ оҳангда. — Табиатнинг товушлари... қанчалар ёқимли... Қулоғингиз эшитиб тўймайди уларни...

Мен кекса адибнинг йиллар тўзғитолмаган завқига ҳайрон қолдим. Чинакам адиб ҳам жисман қарийди, лекин унинг юраги қаримас экан. Юраги ҳам қариган адиблар бўлиши мумкин. Лекин халқ уларни адиб деб атармикин?" (226-227-бетлар).

Иброҳим Ғафуровни устоз Миркарим Осимга боғлаганимизнинг жуда кўп сабаблари бор. Миркарим домла таваллудига бу йил 100 йил тўлади. Шогирди эса бу йил 70 ёшда — устоз ёшига етди. Миркарим Осим Сталин қатағони зуғумларини бошдан кечириб келиб, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида оддий муҳаррир бўлиб ишлаб, кейинчалик халқимиз орасида машҳур бўлган "Жайҳун устида булутлар" (Беруний), "Ибн Сино қиссаси", "Алжабрнинг туғилиши" (Муҳаммад Хоразмий), "Синган сетор" (Машраб), "Моҳларойим ва Хонпошша" (Нодирабегим) каби тарихий қисса ва ҳикояларини Иброҳим Ғафуров кўз ўнгида (баъзан устоз-шогирд маслаҳатлашиб) ёзди, унга ўқитиб, фикрини олди.

Миркарим Осим совет даври адабиётида асарлари эл орасида машҳур, бир неча авлодни ватанпарварлик тарбиясида вояга етказган бўлса-да, адибнинг ўзи ва шахси ҳақида жамоатчиликда шу қадар маълумот кам эдики, М. Осим исми-шарифини кўпчилик Навоий ҳазрат замондошларидан Хондамир, Зайниддин Восифий каби тарихчилар даврдоши деб биларди. "Тўмарис", "Широқ", "Ўтрор", "Темур Малик", "Зулмат ичра нур", "Спитамен" қиссаларини яхши билган авлодлар бу тарихий асарлар муаллифи Миркарим Осимни деярли танимасдилар. Адабиётшуносликда Иброҳим Ғафуров ва Маҳкам Маҳмудовнинг бир-икки қисқа мақоласи демаса, адиб ҳақида тадқиқот ишлари олиб борилмаганди. Бу тоталитар тузум мафкурасининг ўзига хос сиёсати эди. Биз раҳматли Наим Норқулов билан "Миркарим Осим" адабий портрети рисоласини ёзиб эълон қилганимизда (1977 йил адибнинг 70 йиллигига — М.С.) кўплар бу тарихчи адиб ўз замондошлари эканлигидан ажабланган эдилар.

**Адиб таваллудининг 100 йиллигига**

Биз атоқли адиб Миркарим Осим ва адабий танқидчи Иброҳим Ғафуров шахси, асарлари, китоби номи ўртасида узвий боғлиқлик ҳақида гапириб ўтдик. Навоий даҳоси тўғрисида ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бадиий асар ёзган М. Осим (олдин тарихий биографик ҳикоялар ва уларни бирлаштириб қисса қилган) Навоий ва муҳит, Навоий ва шоҳ Ҳусайн Бойқаро муносабатларида ишонарли конфликт кўрдики, бу у ўрганган тарихий манбаларда қайд этилган эди.

Кейинги йилларда (мустақиллик даври) Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларида тарихчи ва адабиётчилар ҳеч қандай зиддият, низо кўрмадилар ҳамда бу дўстликни бир умрлик ўзаро садоқат руҳида талқин қилдилар. Совет давридаги асарлар (Ойбек "Навоий", Уйғун, Иззат Султон "Алишер Навоий") бу жиҳати билан танқид остига олинди. Замон мафкурасининг тамғаси қолган асарлар сифатида баҳоланди.

Бугун улуғ ёшга етган Иброҳим Ғафуров ҳам ўзига хос нафосатли услубда тарихий сиймолар образларига қўл урди ва айнан устоз М. Осим адабий позициясини қўллаб-қувватлади — Навоий ва жамият, ҳазрат ва шоҳ Ҳусайн ўрталарида киши билмас ички руҳий-психологик зиддият кўрди. Бу борада "Ҳаё — халоскор" китобида "Навоийга унсият" бобида адабий-танқидий хулосаларини баён қилди. Бу, албатта, ўша 70-80-йиллар устоз-шогирд суҳбатлари ва ҳозирда ўзи тарихий манба ролини ўтаб қолган М. Осим қиссаларининг салмоқли таъсири ва мантиқ қувватининг натижасидир. Табиийки, балоғат босқичидаги адиб Навоий даҳосини бугунги бой ва баланд савияли замонавий тафаккур нуқтаи назаридан ёритади. Улуғ зотнинг ички изтироб ва ҳиссиётларини Навоий ёшидан ўтган, катта ҳаётий тажрибали ижодкор қалби билан тасвирлайди.

"Ҳаё — халоскор"нинг яна бир адабий қиссаси қаҳрамони халқимиз орасида шоҳ Машраб номи билан машҳур бўлиб келган Бобораҳим Машраб образидир. Орадан 30 йил ўтиб, бир пайтлар устози Миркарим Осимга "Синган сетор" қиссасининг ёзилишига маслаҳату мадад берган шогирд ўзи Шоҳ Машраб образига қалам уради. Ва айнан М. Осим талқини ҳамда симпатиясидаги мажнунсифат Машраб образини яратишга эришади. Иброҳим Ғафуров талқинидаги Машраб Миркарим Осим "Синган сетор"идаги қаҳрамон-шоир образининг тўлдирилган, давомидай таассурот қолдиради китобхонда.

Ўйлаймизки, Иброҳим Ғафуров отаси, айниқса муштипар, "дунёдаги ҳамма оналардан гўзал" ўз онаси образини яратаётганда, асарларига кирган барча имонли зотлар персонажларини тасвирлаётганда ва китобига айнан "Ҳаё — халоскор" деб ном қўяётганда кўз ўнгида устози Миркарим Осим ийманиб, гавдаланиб турган бўлиши керак. Миркарим Осим синиқлик, ҳоксорлик, ҳаё, андиша сингари инсоний сифатларнинг тимсоли эди. Бу зот бировнинг юзига, кўзига тик қараб гапиролмасди. Ижодий идоралар йўлакларида шунчалар деворга яқин юрардики (бошқаларга кенг йўл бериш учун), ҳамиша камзулининг икки енги оҳак бўларди.

Бу йил 70-баҳорини қаршилаган Иброҳим Ғафуров шахсида уч ижодкор сиймосини кўрсак — санъаткор таржимон, нозиктаъб адабий танқидчи, нафосатли адиб, "Ҳаё — халоскор" китоби шу уч ноёб истеъдод эгасининг айни балоғат ёшидаги ижодий ҳисоботи — хассос адибнинг бир умрлик адабий хазинасини ўзида жам қилган китоблиги билан бошқаларнинг, ҳатто муаллифнинг ўзининг олдинги асарларидан ҳам тубдан фарқ қилади.

Адиб кашф этган биргина мансуралар жанридаги асарларига махсус тадқиқот бағишлаганда ҳам бу адабий топилма тагига етиш қийин. Бу китобнинг бизга таъсир қилган жиҳати ундан заҳматкаш, фидойи, закий ёзувчи Миркарим Осимнинг иси келиб туришида, тарихчи адибни яна қайта тирилтирганида деб биламан.

Бадиа

# Қантар тош

*"Турнагулга келаман" туркумидан*

**Тош, бу қаро қиш бунчалар беаёв, қаро бўлди,**
**Ичим тўла армонли ўй, яро бўлди?..**
**На кўргулик: бир тўп кирлар ичра**
**Мен ёмону алар яхши, саро бўлди?..**

**Саъдина БОБОМУРОДОВА**

Бир тонг субҳу содиқмиди ё субҳи козибмикин, билмам, нохуш туш кўриб уйғондим: катта шохлари тарвақайлаб кетган улкан бир дарахтни арралаётган эмишлар. Бир маҳал ҳалиги дарахт қийшайиб, нақ менинг устимга қулаб келаётганмиш, тегай-тегай деганда чўчиб уйғониб кетдим...

Тош, хаёл алдаши мумкин, фол алдаши мумкин, туш алдамас экан-а?.. Ўша кундан бошлаб ҳаётимда кўпгина майда-чуйда кўнгилсиз воқеалар бўлаверди. Булар ҳам етмагандай, яна бир кун йўлимда Аямажуз пайдо бўлди. Ҳа, худди ўша эртаклардагидай: сап-сариқ, беўхшов, бир бети кўтир, бир бети чўтир бўлиб кетган ёвуз момо. Ё раб! Тушимми, ўнгимми?.. Ниҳоят, бир маҳаллар қайта забон ато бўлди:

— Ассалому алайкум, — дедим.

— Ҳм, ҳм!!. Нақ саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим-да!!

Сўнгра рўпарамга ўтириб, ҳусни-жамолни таъриф қила бошлади: қара, юзларим ол, ёноқларим олма-я! Бўйнимга қарагин, худди оққуш бўйни мисол қанчалар нафис! Қарадим-у, беихтиёр нигоҳимни опқочиб, кўзларимни юмдим... Димоғимга бадбўй ароқ ҳиди урилди. Баттар энграйдим: Ялмоғизлар ҳам ароқ ичаркан-да?.. Кейин у айни шу замоннинг забонида, худди сиз билан биз сўрашгич "аралаш лаҳжа"да мен умргузаронлик қилаётган Қўрғоннинг каттаю кичигининг бошидан бир-бир мағзава тўка бошлади:

— Биттаси ўшами? Унингни камида ўнта хотини бор! Устидан ёзяпман, мана кўрасан, шармандасини чиқараман! Бир кун ишлатмайман!

— ...

— Ановингнинг нимаси олим эмиш?! Бултур мени ишга олмаган эди, ғирт ифлосу! Биттасининг устидан энди боплаб ёзмоқчийдим, ўлди-кетди. Ўзи Ўзбекистонда мендай ёзадиган шоир йўқ, билдингми? «Любой»идан сўрасам, қўллари кўксига қовушади: "Зўрсиз, Ялмоғиз момо, ўзингиз биттасиз!"

Бир пайти узоқ анграйиб қолганим таъсир қилдими, мурувват кўрсатди:

— Китобларингдан бер, сотиб берайин. «Срази» бир ташкилотга бориб, бир қўлим билан ёқасидан олиб, иккинчиси билан шундай пулини чиқариб бераман!

Қай бир шўрпешона жамоа кўз олдимга келдими:

— Йўқ, — дедим, — менинг китобим сотишга арзимайди... — Майли, ўзинг биласан! Ўзи ёзганларинг ҳам бир зерикарли-я? Бир умр фақат бир одамни севиб яшаш қизиқ эмас-ку? Сохта ёзасан. Тушундингми? Мана, масалан, мен бошини айлантирган эркаклар тунда гул жамолимдан кўзлари қамашаётгани учун рўмолчасини юзимга ёпиб қўйишяпти. Севги зўр-да. Севиб туриш керак! Э-эй, сен барибир тушунмайсан экан, бировларнинг эри бўлса нима қипти?!

Бир вақти улкан баркашдай кафтларини кўтариб, уч марта чапак чалган эди, кўз ўнгимда сап-сариқ, баҳайбат қуртга айланди-да, буралиб-буралиб инига кириб кетди...

Ниҳоят, эртак тугаб, мурод-мақсадига етди, дея енгил тортдим.

Йўқ, янглишган, қаттиқ янглишган эканман, Тош. Аёзли, аччиқ изғиринли кунлар бошланди. У ёвуз қудратини ишга солиб, кўҳна "Қалъа шаҳар" узра чарх уриб, чаппар уриб, совуқ аёзларини сепиб-санча бошлади. Танишларим, ҳатто жуда яқин, ишонган дўстларим нигоҳларида ҳам муздай таъна:

— Ёвуз момога мени шундоқ-шундоқ дебсиз-а?..

— Мени ундоқ дебсиз-а?..

— Мени бўлса мундоқ-мундоқлар дебсиз-а?..

Яна бир-биридан асабий қўнғироқлар, ғийбатлар, турли миш-мишлар, туҳматлар болалагандан болалаб кетаверди... Аямажуз изғиринлари майсадай покиза, беғараз ҳисларимни, шошиб гуллаган бодом гулидай оппоқ ишончларимни, ҳайратларимни уриб кетди. Юрагимда ниҳоясиз малол, рутубатли шубҳа-гумонлар, қопқорайганча бори-борлиққа нафрат қолди, холос...

***

**Яна сенга келдим, Тош,**
**Бемажолу бемадор қўйдим бош...**
**Тангрим,**
**чексиз қудратинг-ла имдод бер, Тангрим!**
**Ё раб! Токай фаҳшни ишқ дерлар,**
**Жон фидо қилмаганни ошиқ дерлар?**
**Теграмда ёвуз руҳ, ғофил оломон:**
**Дунё — кайфу сафо, зар тўла ёшиқ, дерлар.**
**Дунёсидан кўнглим қолди...**
**Нодон-ла кечаётган умрим, нораво,**
**Зоғлар орасинда қумрим нораво.**
**Дунёсидан кўнглим қолди...**
**Чарчадим,**
**чарчадим зулумот ҳудудларидан...**

***

... Шамол бўронга айланди. Кўкка ўрлади. Қора булутлар билан тўқнашди. Найзалар зарбидан чақинлар чақнаб, осмон бағри тилинди. Кўкнинг кўз ёшлари ичра қолдим! Тағин гумбур-гумбурлардан само ўйилар, ер ёрилар даражага борди!.. Ва шу лаҳза, айни шу лаҳзада илоҳий мўъзизага дохил бўлдим: тош устида турган кафтимга бахмалдай майин, ҳароратли Нур тушди! Қантартошга Кун тушди! Шууримга соҳир шивирлар урилди: "Қантар ёғду! Ёвуз ўлди!"

Гирдо-гирдимга Бойчечаклар югуриб чиқдилар:

Қантар оғди! Қантар оғди!

Соҳир шивирлар боз урилди: "Ҳақ йўлинда курашмоқ, зафар қозонмоқ жами мавжудотга хос ва мерос-дур... Карвон ўтиб кетаверади. Ноумидлик — куфр!.."

***

**"Ноумидлик — куфр!.."**
**Нур муборак, Тош!**
**Бойчечак — гул муборак, Тош!**

Офтоб момо қўлларимдан тутди. Кўзёшларим қуритди. Сочларимни силади; жисми-руҳим ёғдуларга чўлғади; кўксимни бу нурлардан тағин чўғлади; Ҳисларимни дилбар созга, яна оқ қоғозга боғлади; юрагимни ишқ ўтида доғлади, доғлади... алҳол Кошғарий тилинда Қўшиқ айтмоққа чоғлади:

**Қантар ағду! Қантар ағду!**
**Яғмур йағду! Аёз ўлду!**
**Яғмур йағду! Офтоб — йағду!**
**Турлук чечак ярилди,**
**Барчин язим карилди,**
**Учмоқ яри кўрулди,**
**Тумлуғ яна калғусуз!..**
**Қантар ағду! Қантар ағду!**

Ҳажвия

# «Чутё»

*Она тили ўқитувчиси Аббосхон домла жуда ҳушёр, ҳамма нарсадан огоҳ одам. Ўзининг таъбирича, "чутё"си бор экан, яъни кўрмасаям-сезиб тураркан. Мана шу "чутё"си салкам олтмиш йилдирки, у кишига ҳали панд бермабди. Дарс пайтимдаям ўқувчиларга буни тез-тез эслатиб: "Мендан ҳеч нарсани яширолмайсанлар, менинг "чутё"им бор, тескари қараб турсам ҳам, нима қилаётганларингни "точна" биламан, кўраман", деркан. Болалар "точна"ни сал-пал тушунишдию, аммо "чутё"ни ҳали-ҳануз аниқ билолмай юришибди.*

**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ**

Хуллас, болаларнинг шу она тили домласи бугун эрталаб мактабга одати бўйича пиёда йўлга тушди. Йўлкиранинг пулига "сухой абед" қилиш, яъни қуруқроқ тамадди қилиб олиш мумкин экан. Шу оддий ҳақиқатни одамлар тушунмагани домлани хуноб қиларди. Отаси раҳматлик уруш даврида Берлинга пиёда борган экан, тўқсон йил умр кўрди. Ҳозирги баъзилар "Нексия"ларда юриб, қирққа кирмай инфаркт бўлиб қолаётганига ҳайрон. Ҳамма нарса ҳаракатга, иқтисодга боғлиқ. Агар домла одамлардан ўялмаганда, Кори Ишкамбага ўхшаб туфлисини қўлтиқлаб оларди, тагчарми ейилмасн деб. Қолаверса, бод касали ҳам бўлмасди, чунки ялангоёқ юрган одамнинг оёғи ҳеч қачон бодга чалинмайди...

— Салом бердик, домл-о-о.

Домланинг хаёли бўлинди. Кўча эшигининг тагида, яшикни тескари қўйиб, майда-чуйда сотиб ўтирадиган маҳалладоши Мамажон экан.

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди Мамажон қўл олиб сўрашаркан. — Анави отахонбойнинг ўғли келди, дейишди. "Қаердан келди?" десам, "Қамоқдан", деди биров. Қамалиб қолган экан-да, а?

— Ия, энди эшитдингизми? Қамалганига тўрт йил бўлди-ку.

— Ҳе, тавба, энди эшитдим. Нага қамалибди?

— Анави, паразитларга қўшилиб қолган экан. Тавбасига таяниб келди, — деди Аббосхон домла қошини чимириб. — Қурут сотиб ўтираверибсиз-у, ҳеч нарсадан бехабар экансиз-да. Одам айниқса қўнишқўшнидан ҳамиша воқиф бўлиши керак. Сизда "чутё" йўқ!

Аббосхон домла бармоғини ўқталиб, шундай деди-да, одимлаб кетди. Катта қатнов йўлга чиқиб, уёқ-буёққа аланглаб, нариги бетга ўтувди ҳамки, биров қучоқ очиб кутиб олди:

— Ҳой, бомисила-а, ассалому алайкум! — Ҳалиги киши домлани бағрига босди. — Ҳей, пенсияга чиқдингизми, синфдош?

— Яна сал бор, мулла Содиқ. Ўзингиздан сўрайлик. Ҳалиям автобазами? — сўради Аббосхон домла.

— Автобаза капут. Группага чиқволганман. Ногиронман.

Ёшига нисбатан анча қаримсиқ кўринадиган, қошлари оқариб, мошгуруч мўйлаби осилиб турган бу одам кўзларини тез-тез пирпиратиб турарди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлингач, Аббосхон домла энди силжийман деганда, синфдоши тирсагидан тутиб қолди:

— Ҳа, бир нарсани сўрамоқчийдим... Анави, Апсамат бор эди-ку, "Б" да ўқиган. Кўтарилиб кетди-ку?.. Ўша, ҳар ойда узатиб турмаган ходимни ўрнида бўшатаркан. Пахта теримига мардикор оламиз деб, одамлардан пул йиғиштириб, униям ютаркан. Бу кетишида қайга бораркин, деб хавотир олиб юрувдим, йўқ, ўтган ҳафта бировнинг тўйида кўриб қолдим. Анча шумшайиб қолибди. Назаримда, бўшабди...

— Ия, энди билдингизми? Бўшаганига беш йил бўлди-ку. Газетада фельетон ҳам бўлди.

— Э-э, ҳозир ким газета ўқирди. Ким билан кимнинг иши бор. Мен яқинда ўша тўйда эшитдим. Мана, сизниям назаримда қирқ йилдан бери энди кўриб турибман. Ҳалиям мактабдамисиз, ё бирор жойга кўтарилдингизми?

— Мен ўз касбимга содиқ қолдим, — деди Аббосхон домла, худди мактабда маъруза қилаётгандек. — Ўша-ўшаман, «пачти» ўттиз беш йилдан бери она тилидан дарс бераман.

Энди биродар бундан бағига тез-тез кўришиб, бир-биримиздан воқиф бўлиб турайлик. Менда "чутё" бор-да. Эрталаб, шу бугун синфдошлардан кимнидир кўраман деб хаёлимдан ўтувди. Мана, сиззи кўрдим. Ҳай, дарсим яқинлашиб қолибди, алоҳида бир кўришамиз, саломат бўлинг.

Аббосхон домла соатига бир нигоҳ ташлаб, хайрлашди. Мактаб дарвозасига яқинлашганда, касбдоши, тарих ўқитувчиси Турғунов билан рўбарў келди.

— Ҳой, ҳозир кимни кўрдим денг. Содиқ бор-ку, самолёт ҳайдайман деб, ўқишга киролмай, шопирликка кирган, ўшани. Жа-а, қариб кетибди. Апсаматнинг бўшаганини энди эшитибди. Ҳой, сен, дунёдан бехабар, Робинзон Крузо бўлиб қолибсан-ку, дедим, — Аббосхон домла шундай деб ҳамкасбига ёзғириб кетди: — Ҳей, одамлар беғам, бепарво бўлиб боряпти-я. Отахонбойнинг наркоман ўғли қамалганини бир қўшним тўрт йилдан кейин билибди. Мен одамлар ҳамма нарсадан огоҳ, ҳамма воқеадан воқиф деб биларди.

— Одамлар ҳамма нарсадан хабардор, ернинг тагида илон қимирласа билади. Фақат билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олади, ниҳоятда қитмир, — деди Турғунов кўрсаткич бармоғини ўқталиб. — Ўша сиздан сўраганлар ўсмоқчилаб, сизни синаш учун сўраган. Сизда эса "чутё" йўқ, Аббосхон!

***— Ариққа сув келгандан бери бир неча йилги симёғоч ҳам кўкариб кетди...***

**Абдурасул ҲАКИМОВ чизган**

## Қарияларга бепул обуна

***"Бахмал ҳаёти" газетаси 1,5 минг нусхада мунтазам чоп этилиб, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури амалда" рукни остида кетма-кет мақолалар бериб боряпти.***

Таҳририят жамоаси бир ибратли ишга қўл урди. Ёлғиз қария, ногирон ва кам таъминланган оилалардан 20 нафарини таҳририят ҳисобидан туман газетасига бепул обуна қилдилар ва газета уларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Мен 90 ёшни қаршиламоқдаман, — дейди Қизил ота Муҳаммадиев, — ҳамон газета ўқийман. Мени маънавий озуқадан бахраманд этаётган "Бахмал ҳаёти" журналистларига миннатдорчилик билдираман.

Бундай миннатдорчилик сўзларини Файзулла ҳожи Неъматуллаев, Абдусамад ота Наримонов, Эшмурод ота Аҳмедов, Холмурод ота Расулов ва бошқалардан ҳам эшитиш мумкин.

**Алибой ЭРГАШЕВ**

O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ислом СУЛТОНОВ, Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-254 Т: 4160 1 2 3 4 6